

9900090270-сонли шартнома
2-гурух Истемолчиларига ичимлик ва оқова суви хизматларини күрсатиш учун

«14» январ 2022 й.

Ушбу шартнома “Наманган сув таъминоти” МЧЖнинг Янги Наманган туман бўлими, кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

М.Хайруллаев
(Ф.И.Ш.)

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда “Истемолчи” деб юритилувчи РУТ ва ФХМОУИМ Наманган филиали, Низом асосида иш олиб борувчи директор

И.Якубджанов
(Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, қуидагилар ҳакида тузиљди:

I.Шартнома предмети

1.1. 2022 йилга сув етказиш ҳажми учун тузиљган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан бўён матнда II гурух истемолчилари деб юритилади) учун сув етказиш **2352110,25** нарх бўйича **609 м³**ни:

1м³ ичимлик сув учун **3812,25** сўм (+ККС 15%), + **50** сўм (маҳсус устама ҳак)ни ташкил килмоқда

1м³ оқова сув учун _____ сўм (+ККС 15%) + _____ сўм (маҳсус устама ҳак)

Шу тарик шартноманинг умумий киймати **2352110,25** (**Икки миллион уч юз эллик икки минг бир юз ун сум 25 тийин**) сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблагларидан **2352110,25** (**Икки миллион уч юз эллик икки минг бир юз ун сум 25 тийин**) сўм, бюджетдан ташкари маблагларидан _____ сўм бюджетдан ташкари маблаглардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурух истемолчилари Коидаларда белгиланган тарзда “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган хисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирилиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблаглар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истемолчи»ни О'зДСТ 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда (туман худудларида хоким томонидан тасдиқланган сув бериш жадвалига асосан) ичимлик суви билан таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кувурлари тариф кийматида (ККС ни хисобга олган холда) хўжалик-майший ва ишлаб чиқарish-технология эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истемолчи» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилги “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати курсатиш соҳасида тулов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тургисида” ги 5241-сонли Фармонига асосан “Таъминотчи”га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни 100 % олдиндан амалга ошириш мажбуриятини ўз зинмасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларни бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истемолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Коидалари”га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ҳамда Наманган вилоят хокимининг 2019 йил “04” мартағи 83-ф-сонли Фармойшига асосан 2019 йил 1 мартағи ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларига истемолчиларга ичимлик сув таъминоти учун 50 сўм/м³, оқова сув хизматлари учун 50 сўм/м³ маҳсус устама жорий этилган ҳакни асосин тарифга кушиб тулалаши ҳамда “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган коммунал сув етказиб бериш ва оқова сув чиқариш тизимиға уланиш учун руҳсат этувчи хужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зинмасига оладилар.

1.5. «Истемолчи» ушбу шартномага, унинг тасаруфидаги барча обьектларининг (филиал ва суб-истемолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимиға уланишдаги эҳтиёжини, етказиб берининг микдори ва диаметрларини кўрсатган холда, кадастр нусхасини тақдим килади, “Таъминотчи”ни ўз вактида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳакида хабардор киласиди.

1.6. «Истемолчи»га белгиланган ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни қабул қилиб олиш микдорий лимити (м3):

Хизмат тури	Январь	Февраль	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Жами
Ичимлик сув	203	203	203										609
Оқава сув													

1.7. «Истемолчи» «Water control» дастуридан ўзига керакли бўлган маълумотларни СМС хабарнома орқали олиши, ўлчаш асбобини кўрсаткичини берishi, қарздорлиги ҳакида ҳамда ўлчаш асбобининг ДНК муддати келганлиги тўғрисида огохлантирилиши мумкин. СМС хабар орқали олинган ва берилган маълумотлар расмий маълумот хисобланади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига сув сепишиш, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун ўрнатилган вақтдан ташкари фойдаланиш қатъян ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истемолчи (суб-истемолчи)ларнинг хўжалик-истемол ва коммунал-майший эҳтиёжларини ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

“Таъминотчи”нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истемолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истемолчининг тармоқларидан сув олиб, оқова сувларни “Истемолчининг” канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истемолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини “Истемолчи” билан тасдиқланган “Коидаларга” мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувнинг хисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамгалangan бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамгаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини хисобга олиш ускунасишин очиши, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августандаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. “Истемолчи”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аниқланади, обьектнинг максимал сув истемоли ва минимал сув истемолига текширилади ва “Истемолчи” билан келишилади. Хисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал истемол микдоридан кам микдорда сув истемол килинганда, “Таъминотчи” сув ўлчаш тармоғини қайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганди, хисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари қабул килинмайди ва хисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибида амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш курилмаларини ишга тушириш, хисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истемолчиларнинг уланиши Истемолчи томонидан фақат “Таъминотчи” тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истемолчининг” сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни илова килган холда берилади.“Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истемолчи” буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрйи хужжатлар асосида лойихалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истемолчи” ва курилиш ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш кисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқова тизимлари, курилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истемолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида куйидагилардан иборат:

а) сув истемоли учун узатиш тармоғининг киритиш курилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш курилмасини ишга тушириши истемолчининг ички сув узатиш тизимининг бир кисмидир;

б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланиш нұктасидаги сув чиқариш қудуги бўлиб, у “Истеъмолчи”нинг ички оқова тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқова қудуги магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, кўреатилган қудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармогининг эксплуатацияси эса “Истеъмолчи”нинг кучи ва маблаги хисобига амалга оширилади.

III. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг хукуқлари:

а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз хаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф түғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб килиш;

б) “Истеъмолни” хисобдан хисоблаш курилмасини ўрнатиш.

в) тегиши сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларига кўрсатилиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан конунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб килиш;

г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камиде 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) белуп олиш;

е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари хажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни белуп олиш;

ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сувни билан таъминланмаганини (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аникланган даврдан у тегиши даражага олиб келинган вакт) учун қайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб килиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг худудида жойлашган ва уларга тегиши бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва курилмалариниг мувофиқ равиша кўриклинишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл кўймаслик, қудук копкоқларини кор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат килиш, қудуклардан юза оковаси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга карши гидрантларга ўтиш йўлларини беркитмаслик, кўрсатилган ёнгинга карши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишланини назорат килиш;

в) “Истеъмолчи” худудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва курилмалариниг устига турли буюм ва материалларнинг йигилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилишига йўл кўймаслик.

г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва курилмаларининг транзит нұкталарida ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор килиш;

д) сувни хисобга олиш приборларида якъол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганини тўғрисидаги ҳолат аникланганда ҳамда хисобга олинмаган ёнгинга карши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дархол ёзма равиша ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя килиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиши ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчига” жорий ойнинг охириги кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим килиш ва тўловни амалга ошириш;

ж) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф килинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл кўймаслик;

ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор килиш;

и) “Таъминотчи”га тегиши бўлган ёки унинг худудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқова тармоғига тушрилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) “Истеъмолчи” худудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларida ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни кўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимларини обьектларига шикаст зарар етказган “Истеъмолчи” дархол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни коплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланиши бартараф этиши ва бехуда сарф килинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминоттининг хукуқлари:

а) “Таъминотчи” қўйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлик ёки қисман тўхтатиш хукуқига эга:

б) “Истеъмолчи” худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва курилмаларининг техник ҳолати коникарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиши коидаларини бузиши натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига кўра бартараф этамаса;

в) “Истеъмолчи”нинг вакили истеъмолчи худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва курилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз ҳалакт берилган тақдира;

г) “Таъминотчи”томонидан режали олдинни олиши таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларida ишлар бажарилишида, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказиша;

д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруfидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аникланганда;

е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов хужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширганда;

ж) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) “Истеъмолчи”лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий оғатларда;

й) аварияларда;

к) ёнгин чиқкан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини (худудларда хоким томонидан тасдиқланган сув бериши жадвалига асосан) таъминлаш;

в) тизимли равиша давлат сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат килишини амалга ошириш ва уларни тўғри ишланиши ташкил этишида амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар сувидан оқилона фойдаланиши ва сувдан оқилона фойдаланиши аниқлаш, сувни этказиб бериш ва истеъмол килишин катъий назорат килиш ва хисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равиша назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол килиши чекловларига риоя килинши назорат килиш;

г) “Истеъмолчи”ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) “Истеъмолчи”лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал хисоблаш курилмаснинг яхши ишлаётгандигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамғаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниклаган ҳолда) бир ойда кўпич билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) “Истеъмолчи”га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пена тўловларини амалга ошириш;

ж) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-хукукий ва бошқа хужжатларнинг кабул қилинганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларининг ҳолати, карзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истеъмолчи”га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. “Таъминотчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиқсан заарни, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини коплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи кўйидагилар учун жавобгардир:

а) сув хисоблаш қурилмасидаги тамғалар, айланни чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиши мосламаларидағи қисмларнинг унинг худудида ва тасарруфида бўлган тамғалангандан хисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш қурилмаларининг қасдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув хисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташкаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан қурилган инноатлар сабабидан тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса “Истеъмолчи” худудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда “Таъминотчи” ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома “Истеъмолчи” нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

4.3 “Таъминотчи” кўйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-хукукий хужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларидаги кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) “Истеъмолчи”ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим килинниши учун;

в) “Истеъмолчи”нинг хаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, коплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул килинган) сувнинг хисоби хисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, хисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича КҚС ва маҳсус устамани хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда исисик сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол килинувчи совук сув миқдорига 2.0 коэффициенти кўлланилади. “Истеъмолчи”нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларнинг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатдан олинган хисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими “Истеъмолчи”нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти (скважина, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, “Таъминотчи” билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объексларидан сув олиш ёки чиқариш учун кўшимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбай (артезиан скважинаси, кудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимида оқоваларни оқизиши учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш асебининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик карзларини узиб, бу ҳақда “Таъминотчи” билан далолатнома имзолаши шарт. “Истеъмолчи” чиқиб кетгач, сувни хисобга олиш асеби ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланди.

6.2. “Истеъмолчи”нинг сув узатиши-оқова ҳўялигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб хисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул килинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан кўйидаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: M – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

F – суюклик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) m^2 ;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушни тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

Кўйидаги ҳолатларда:

6.3.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асеби ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асеби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, ўрнатилган вактдан ташкари сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асеби, мосламаси ишдан чиқсан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув хажми ушбу шартнома 6 кисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асеби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

Сувни хисобга олиш асеби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч хисоб-китоб оидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Хисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни хисобга олиш асеби кўрсатилган муддат мобайнинг ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II-гурух истеъмолчилари учун Коиданинг 87-“б”-банди бўйича хисоб-китоб қилинади;

6.3.5. “Истеъмолчи”нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув истроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асебининг хисоб-китобини олиб бориши бўғинидаги ўйилган ҳимоя қопламига рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соғ сарфини аниқлаша имконияти чегаралангандан;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сакланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, “Таъминотчи” томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаша ва “Таъминотчи”га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган назорат далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асеби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар хисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар “Таъминотчи” балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, ба муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаша мумкин бўлмаса, ба муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддати берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, “Таъминотчи” томонидан сув узатиши хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.6. “Истеъмолчи” коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳакидаги хужжатларни тақдим этимаган ҳолатларда “Таъминотчи” томонидан, хоким қарори ва кадастр хужжатларни ва шу кабилар асосида, хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга ҳаклидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул килинган оқова сув учун тўловлар, “Таъминотчи” томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат килувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар “Истеъмолчи” томонидан З кунлик муддат ичиза акцентсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, “Таъминотчи” кечкитирилган тўловнинг хар бир куни учун 0.4 % пеня ёзди ва

унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 248-моддаси талабига асосан истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаса, энг аввало кредиторнинг ижрони олишига каратилган чикимларни, сўнгра фойзларни, унинг колган кисми эса - карзнинг асосий суммасини узиш учун йўналтирилади.

6.8. "Истеъмолчи" хисоб раками бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичida тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловнинг 100 % микдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой хисобига кўшилади. Агар "Истеъмолчи" икки хафта муддат ичика тўловни амалга ошираса, "Таъминотчи" хеч кандай огохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб бериши ёки окова сувларни чиқариб юборишини ундирагунга кадар тўхтатиб кўйиш хукукига эга. Бундай холларда ёнгидан сакланниша санитария холатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқарни тизимидан илгари узиб кўйилган холларда кайта улашада II гурух истеъмолчиларидан базавий хисоблаш микдорининг 10 (үн) баробари микдорида тўлов кайта улаши амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиш орқали ундирилади;

Шахарлар ва бошқа аҳоли пунктларида коммунал канализация тизимида жала, ёмғир ва кор сувлари рухсат этилмаган холда оқизилган тақдирда истеъмолчига нисбатан ишлаб чиқарни окова сувларни оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан кўшимча уч баробарлик коэффициент татбиқ этилади. Хисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон карори билан таасиқланган Ишлаб чиқарни окова сувларни кабул килиши қоидалари хамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартибида мувофиқ кадастар ва метеорологик маълумотларга бинона амалга оширилади.

6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри килингандиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олингандиги ва шу каби холатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътироzonma тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътироzonma "Истеъмолчи"ни тўлов хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод килмайди.

6.11. Юридик шахслардан, лимитдан ортиқча сув истеъмолчи килинган холатларда, "Таъминотчи" ташкилоти томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 ортирилувчи коэффициентни кўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

6.12. "Таъминотчи" билан "Истеъмолчи"лар, шу жумладан хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва окова сувларни чиқарни элементлари (ичимлик сув вананализация тармоқлари, иншоотлари, кўрilmалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник холатини сақлаша фойдаланиши юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) сув истеъмолчи учун — коммунал тармоқка уланишини узиб кўювчи кириши кулфи. Кiriш кулфи билан ичимлик сувга уланиш, истеъмолчининг ичимлик суви тизимиning бир кисми хисобланади;

б) канализация учун — истеъмолчи канализация тизимиning иччи кисми хисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нуктасидаги чиқарув қудуги. Агар чиқарувчи канализация қудуги (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудугу ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир кисми хисоблананиб, унга туаштирувчи фойдаланиши чизиги эса истеъмолчининг маблағи ва воситалари хисобидан амалга оширилади.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқкан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган холатлар юзасидан низо келиб чиқкан тақдирда, Қонунчилика белгиланган тартиба ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажариласлиги табиат ходисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч (форс мажор) холатлари (зилзила, сув тошкни, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликтан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажаршиш муддати енгиг бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор холати мавжуд бўлган томон 3 кун ичida бошқа томонни форс-мажор холати бошланган муддатларни кўрсатган холда ёзма равишда огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор холатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик килса, томонлардан бирин шартноманинг бекор килиши хукукига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газничилик бўлнималарида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади. Агарда томонлар ўз хоших ихтиёрлари билан шартноманинг янгиламаган бўлса ёки тўхтатилмаган холларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун хам ҳақиқий хисобланади.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Наманганд сув таъминоти» МЧЖ

Яни Наманганд тумани булимни

Манзил: И.Каримов кучаси 4-б уй

Тел: 55-251-70-32 , факс _____

Банк: Ипотека банк Наманганд вилояти филиали
Банк коди: 00223 СТИР: 200048456

Хизоб риёни: 2263 8000 5003 0691 2541

Рахбар _____

М.Хайруллаев

(Ф.И.Ш. имзо)

202 й.

Хукуқшуноса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси ва "Хукуқи юритувчи субъектларининг шартномавий-хукукий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

USMU SHARTNOMA ZEKISTON RESPUBLIKASI FUKAROLIK KODEKSI
SUB'EKTLAR FAOLYATINING SHARTNOMASI
CONUN TALABLARI BILAN TARTIBIGE KELTIRILGAN
JAVOBGARLIGI MEYORI AMALDAGI CONUN AR TALABLARIGA JAVOB BERADI
YUQORIDA QILGARGA ASOSAN, USHBU TIZILAYOTGAN SHARTNOMA (KONTRAKT)
KEYRICHALIK IMZOLASIGA VA TOMONLAR O'Z MAJBURIYATLARINI URO
ETISHLARI UCHUN TAVENTA ETILADAN
USHBU SHARTNOMADA KO'RSATILGAN SUMMA BOYICHA TASHKILOTLAR
TOMONIDAN BANK VA SOLIQ AMALIYOTLARI BAJARILISH SHART VA BUNGA
QONUN DO'RASIDA JAVOBGARDIRLAR

MAMANGAN SUV TA'MINOTI MCHJ
YANGINMANGAN TUMANI BO'LIB
XUQUQSHUNOS

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

РУТ ва ФХМОУИМ Наманганд филиали

Маизил Наманганд шаҳар ж/м Чаманзор 52-й

Тел: 69 237 11 09, факс 69 237 27 58

газ/х-р 23402000300100001010

Банк ХККМ МБ Тошкент шаҳар бош бошкармаси

Банк коди 00014 СТИР 201122919

XXHTUT 92200

Шахсий рагам 100021860144017096200054002

Шахсий х-р _____

Банк ХККМ МБ Тошкент шаҳар бош бошкармаси

Банк коди 00014 СТИР 202047678

Уз.Рес.МВ Газиҷвчилиги

(заричник бўлимни номи)

Рахбар _____

И.Якубджанов

(Ф.И.Ш. имзо)

202 й.

«_____» 202 й.

Республика урта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш Марказига Наманган филиали

«14» январ 2022 йилдаги № 9900090270-сонли шартномага илова

Ичимлик сув

Ойлар номи	Улчов бирлиги	Натура миклори	Бирлик нархи	Жами сумма
Январ	м3	203	3862,25	784036,75
Феврал	м3	203	3862,25	784036,75
Март	м3	203	3862,25	784036,75
1-чорак жами		609		2352110,25
Апрел				
Май				
Июн				
2-чорак жами				
Июл				
Август				
Сентябрь				
3-чорак жами				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
4-чорак жами				
Йиллик жами		609		2352110,25

«Етказиб берувчи»

«Наманган сув таъминоти » МЧЖ

Янги Наманган тумани булими

Наманган.ш И.Каримов куча 4-б-уй

Тел: 55 251 70 32


Хпр: 22638000500306912541

АТКБ «Ипотека банк» Наманган филиали.

МФО: 00223 ИИН: 200048456.

Рахбар

М.Хайруллаев.



«Истеъмолчи»

РУТ ва ФХМО ва УИ Маркази Наманган филиали

Манзили: Наманган.ш. Гузал дахаси, 52-уй

Тел: (69) 237-27-58

1.шх/р 100021860144017096200054002

СТИР: 202047678

ОКОНХ: 92200

Узбекистон Республикаси Молия

Вазирилиги Газначилиги х/в:

23402000300100001010

ХКМ МБ Тошкент шахар бош башкармаси

МФО: 00014

СТИР: 201122919

Рахбар

И.Якубджанов.